

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.16/30.12.2019.Т.87.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ЭШМУРАТОВ БАХОДИР БЕШИМОВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАР АСОСИДА ЮҚОРИ САМАРАЛИ
ДЕЭМУЛЬГАТОРЛАР, ОДОРАНТЛАР ВА ЭТАНОЛАМИНЛАР
ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосидаги
материаллар технологияси
02.00.03 – “Органик кимё”**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавлениеавторефератадокторскойдиссертации
Contents of the abstract of doctoral dissertation

Эшмуратов Баходир Бешимович

Маҳаллий хомашёлар асосида юқори самарали деэмульгаторлар, одорантлар ва этаноламинлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш.....3

Эшмуратов Баходир Бешимович

Разработка технологии производства высокоэффективных деэмульгаторов, одорантов и этаноламинов на основе местного сырья.....29

Eshmuratov Bakhodir Beshimovich

Development of production technology of highly effective demulsifiers, odorants and ethanalamines based on local raw materials.....53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....56

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.16/30.12.2019.Т.87.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ЭШМУРАТОВ БАХОДИР БЕШИМОВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАР АСОСИДА ЮҚОРИ САМАРАЛИ
ДЕЭМУЛЬГАТОРЛАР, ОДОРАНТЛАР ВА ЭТАНОЛАМИНЛАР
ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИКИШ**

**02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосидаги
материаллар технологияси
02.00.03 – “Органик кимё”**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.DSc/T205 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) илмий кенгаш веб саҳифаси (www.tktiti.uz) ва «ZiyoNet» таълим ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Джалилов Абдулахат Турапович
кимё фанлари доктори, профессор, академик

Каримов Масъуд Убайдулла ўгли
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Ёдгоров Нормухаммад
кимё фанлари доктори

Акбаров Хамдам Икромович
кимё фанлари доктори, профессор

Фозилов Садриддин Файзуллаевич
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

ЎЗР ФА Умумий ва ноорганик кимё институти

Диссертация химояси Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.16/30.12.2019.T.87.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2020 йил «17» 11 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111116, Тошкент вилояти Тошкент тумани, Ибрат маҳалласи. Тел.: (99870)965-77-16, факс: (99870)965-77-16, e-mail: gup_tniixt@mail.ru)

Докторлик диссертацияси билан Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институти Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (5 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111116, Тошкент вилояти Тошкент тумани, Ибрат маҳалласи. Тел.: (99870)965-77-16).

Диссертация автореферати 2020 йил «4» 11 куни тарқатилган.
(2020 йил «4» 11 даги №5 рақамли реестр баённомаси).



Махсумова А.С.
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, к.ф.д., проф.

Ширинов Ш.Д.
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, т.ф. PhD

Бекназаров Х.С.
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., катта илмий ходим

КИРИШ (фан доктори диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти. Дунёда нефт-газ саноати соҳасида табиий газни хавфсиз ташишни таъминлайдиган янги самарали қўшимчалар, олтингугуртдан тозалаш компонентлари ва нефтни қайта ишлаш соҳасида нефтни ер ости йўлдош сувларидан ажратиш, нефть маҳсулотларини сифатини янада ошириш учун ишлатиладиган турли органик қўшимчалар ишлаб чиқариш технологияларини яратиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Бугунги кунда жаҳонда азот, кислород ва олтингугурт сақлаган бирикмалар асосида нефть ва газни қайта ишлаш саноати учун янги самарали органик қўшимчалар олишнинг илмий асосини яратиш, уларнинг хомашёларини ўрганиш, олишнинг замонавий технологиялари ва машиналарини яратиш, уларни ишлатиш соҳаларини кенгайтириш, турли таркибли универсал қўшимчалар синтез қилиш, янги турдаги деэмульгаторлар, этаноламинлар, одорантлар олиш ва уларни олиш технологиясини ишлаб чиқиш зарур.

Республикамизда маҳаллий хомашёлар асосида деэмульгаторлар, этаноламинлар ва одорантлар олиш, шунингдек, кўп компонентли ва функцияли одорантларни яратиш бўйича маълум илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ушбу йўналишда амалга оширилган меъерий тадбирлар асосида маълум натижаларга эришилди, айниқса кўп компонентли одорантлар олишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш ва маҳаллий бозорни импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан таъминлаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Мутлақо янги турдаги маҳсулотлар ва технологияларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, шу асосда ташқи ва ички бозорларда рақобатбардош маҳаллий маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминлаш»¹га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Бунда тақчил бўлган компонентларни маҳаллий хомашё ресурсларига - кимё саноатининг кўп тоннали иккиламчи маҳсулотларига алмаштиришда муҳим рол ўйнайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 17 январдаги ПҚ-3479-сонли «Мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларини зарур маҳсулотлар ва хомашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сонли «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сонли «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.

Деэмульгаторлар, этаноламиинлар ва одорантлар каби органик бирикмаларни олиш ва татбиқ этишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар дунёдаги етакчи илмий марказлар ва олий ўқув юртларида, жумладан, University of Cincinnati, California Institute of technology (АҚШ), Chicago university, Colorado school of mines, Shell Global solution Inc. (АҚШ), Darmstadt Technical University, Fraunhofer Photocatalysis Alliance (Германия), Japan Petroleum Institute, Tokyo national university (Япония), Royal Military College of Canada (Канада), French Petroleum Institute (Франция), Institute of new Catalytic Materials Science (Хитой), University of Torino (Италия), Нижний Новгород давлат техника университети (Россия), ГОУ ВПО Урал давлат техника университети - УПИ (Россия), Татар нефть илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институти (Россия), Россия нефть ва газ институти (Россия), Россия нефть ва газ давлат университети (Россия), Тошкент кимё-технология институтида (Ўзбекистон) амалга оширилмоқда.

Жаҳонда нефть ва газ хомашёларини йўлдош қўшимчалардан чуқур тозалаш жараёнини жадаллаштириш ва нефть тозалаш қурилмаларини такомиллаштиришга оид олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: ажратиш майдони ҳар ҳил бўлган гидроциклон конструкцияси ишлаб чиқилган (АҚШ, Massachusetts Institute of Technology); кириш қувуридаги босимни ўзгартириш йўли билан суспензияларни эритиш ҳисобига уларни реологик хусусиятларини ўзгартирилган (Россия, Губкина номидаги россия давлат нефть ва газ университети); сув-ёғ эмульсияси учун математик модель ишлаб чиқилган (Хитой, China University Of Petroleum); юқори босим остида газ-суюқлик эмульсияларини барқарорлаштириш учун қурилма ишлаб чиқилган (АҚШ, Columbia University).

Дунёда нефть ва газ хомашёсини йўлдош қўшимчалар ва сувдан тозалаш муаммоси устида бир қатор устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, шу жумладан: углеводородли хомашёларни тозалаш учун самарали органик қўшимчалар яратиш, хомашёни қайта ишлашнинг мавжуд технологияларини такомиллаштириш, янги турдаги кўп компонентли табиий газга махсус ҳид берувчи одорантлар олиш.

Муаммони ўрганганлик даражаси. Деэмульгаторлар, этаноламиинлар ва одорантлар каби органик бирикмаларни олиш бўйича илмий тадқиқотлари мавзусида К.В. Пенкин, С.Г. Сажин, Е.В. Дементиев, А.И. Матери, М.Г. Шишов, Т.Ф. Космачева, Р.З. Саҳобутдинов, Аҳмади Соруш, ФМ Хуторянский, Н.Н. Кисленко, Дж. Ронсеро, В.В. Стольников, Б.Д. Тринкер, А.Т. Джалилов ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб борган.

Деэмульгаторлар, этаноламиинлар ва одорантлар каби органик бирикмаларни ишлаб чиқариш технологиялари тадқиқотини ривожлантириш. Бундан ташқари, кимёвий модификацияни қўллаш орқали янги самарали деэмульгатор олиш технологик жараёни ишлаб чиқилган ва кўп компонентли одорантлар олиш технологияси тавсия этилган.

Шу билан бирга, деэмульгаторлар, этаноламиинлар ва одорантлар каби органик бирикмаларни олишнинг устувор йўналишлари бу комплекс таъсирга эга янги самарали деэмульгаторларни олиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда; этаноламинларни ишлаб чиқариш учун энергия тежовчи технологиялари яратиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация амалга оширилган олий ўқув юртининг илмий-тадқиқот ишлари билан алоқаси. Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институтининг амалий ва инновацион лойиҳаларнинг илмий тадқиқот ишлари режалари ПЗ-201709244 «Этаноламин ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиш» (2018-2020 гг.) ва 2013 йил 26 апрелдаги 123-08/2013 сонли «Газ ёки ҳавога ўзига ҳос ҳидни бериш учун қўшиладиган одорантни ишлаб чиқариш технологияси» шартномаси; 2013 йил 26-апрелдаги №124-08/2013-сонли «Диэтиленгликол ишлаб чиқариш технологияси» хўжалик шартномалар идоирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий хомашёлар асосида деэмульгаторлар, этаноламинлар ва одорантлар каби органик бирикмаларни олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва улар асосидаги қўшимчаларни нефть ва газни қайта ишлаш жараёнида қўллашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

маҳаллий хомашё асосида деэмульгаторлар, этаноламиинлар ва одорантлар каби органик бирикмаларини олиш усулларини ишлаб чиқиш, уларнинг синтези учун оптимал шарт-шароитларни аниқлаш;

кўп компонентли одорантлар таркибини ва физик-кимёвий хусусиятларини аниқлаш;

демульгаторлар таркибини ва физик-кимёвий хусусиятларини аниқлаш;

олинган деэмульгаторлар нефт-сув эмулсиясининг физик-кимёвий хусусиятларига таъсирини аниқлаш;

маҳаллий хомашёлар асосида метилдиэтанолламин олиш учун оптимал шароитларни аниқлаш;

маҳаллий хомашёларга асосланган одорантларни синтез қилиш технологиясини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

Тадқиқотнинг объекти поликарбонатлар, этилен, этилен оксиди, этанол, водород сульфиди, тўйинмаган карбон кислоталар ва уларнинг эфирлари, аммоний хлорид, формалин, метиламинлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети азот, кислород ва олтингугурт сақлаган реакцион-фаол органик бирикмалар асосида юқори самарали деэмульгаторлар, табиий газга махсус ҳид берувчи одорант ва этаноламинлар олишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Деэмульгаторлар, этаноламинлар ва одорантлар каби органик бирикмаларнинг физик-кимёвий хусусиятлари ва кимёвий таркиби ИҚ, УБ ва Массспектроскопияси усуллари орқали ўрганилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагидан иборат:

маҳаллий хом ашёларга асосланган деэмульгаторлар, этаноламинлар ва одорантлар каби органик бирикмалар ишлаб чиқаришнинг янги усуллари ишлаб чиқилган, уларнинг синтези учун оптимал шароитлар аниқланган;

кўп компонентли одорантларнинг таркиби, физик-кимёвий ва эксплуатацион хоссалари аниқланган;

поликарбоксилатлар ва алкилбензосульфокислотаси асосида олинган деэмульгаторлар таркиби ва физик-кимёвий хусусиятлари аниқланган;

олинган деэмульгаторларни турли конлардан олинган нефть эмульсияларининг физик-кимёвий хоссаларига таъсири аниқланган;

метилдиэтанолламин олиш учун оптимал шароитлар аниқланган;

маҳаллий хом ашёларга асосланган одорантларни синтез қилиш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

табiiй газга махсус хид бериши имкониятига эга, юқори интензив, янги кўп компонентли композицион таркибга эга одорантлар олиш технологияси ишлаб чиқилган;

нефт-сув эмульсияларини ажратиш имконини берадиган юқори самарали деэмульгаторлар олиш технологияси ишлаб чиқилган;

маҳаллий хомашёлар асосида метилдиэтанолламин олиш бўйича техник ва технологик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Синтезланган бирикмаларнинг таркиби ва тузилиши ИҚ-, УБ-ва Масс-спектроскопияси билан исботланган, олинган Масс спектроскопия натижалари халқаро базалардаги маълумотлар билан солиштирилган, ИҚ-, УБ- ва Масс-спектроскопия таҳлил натижалари катталаштирилган тажриба саноат синовларига мослиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маҳаллий хомашёлар асосида полимерларнинг кимёвий алмашинуви, шунингдек поликарбоксилатлар асосида юқори самарали деэмульгатор олиш усулини аниқлаш, оптимал синтез шароитлари таклиф этиш, турли конлардаги нефть эмульсиясини бузиш учун самарадорликни оширишнинг қонуниятини аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти маҳаллий хомашёлар асосида табiiй газга ўзига ҳос хид бериш учун ишлатилиши мумкин бўлган одорантларни Тошкент МГБ да ва маҳаллий хомашёлар асосида олинган деэмульгаторларни “Муборакнефтгаз” МЧЖ амалиётга жорий қилинганлиги билан исботланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Маҳаллий хомашёлар асосида деэмульгаторлар, этаноламинлар ва одорантлар каби органик

бирикмаларни олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

поликарбонатлар асосида олинган деэмульгаторлар “Муборакнефтегаз” МЧЖ тасарруфидаги турли нефть конларидан олинган нефть эмульсияларини парчалаш амалиётида жорий этилган. («Ўзкимёсаноат» АЖ нинг 2020 йил 12 июндаги 02-2733-сон маълумотномаси). Натижада сувсизлантириш даражаси 98% гача бўлган, юқори сифатли нефть эмульсияларини парчалашда фойдаланиладиган деэмульгаторлар ишлаб чиқариш имконини берган;

алкилбензолсульфокислотаси асосидаги деэмульгаторлар “Муборакнефтегаз” МЧЖ тасарруфидаги нефть конларидан олинган нефть эмульсияларини парчалаш амалиётида жорий этилган. («Ўзкимёсаноат» АЖ нинг 2020 йил 12 июндаги 02-2733-сон маълумотномаси). Натижада нефть эмульсияларини парчалашда фойдаланиладиган деэмульгаторлар импортини камайтириш имконини берган;

маҳаллий хомашёлар асосида кўп компонентли органик бирикмалардан табиий газга махсус ҳид берувчи одоратлар Тошкент магистрал газ қувурлар бошқармасида амалиётга жорий қилинган. («Ўзкимёсаноат» АЖ нинг 2020 йил 12 июндаги 02-2733-сон маълумотномаси). Натижада газни қайта ишлаш саноати учун импорт қилинаётган одорантларни маҳаллий хомашёлар асосида ишлаб чиқариш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 13 та, шундан 5 таси халқаро ва 8 таси республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларини эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини нашр этиш учун тавсия этилган илмий нашрларида 12 та мақола, жумладан 9 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 173 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва талабга мувофиқлиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предмет тавсифи берилган, тадқиқотнинг республика илмий-техника тараққиётининг устувор йўналишлари билан уйғунлигини кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилик ва амалий натижалари изоҳланган, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш кўрсатилган, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши тўғрисидаги маълумотлар берилган.


Диссертациянинг «**Деэмульгаторлар, этаноламинлар ва одорантлар синтези бўйича тадқиқотлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида

таркибида азот, кислород ва олтингугурт сақлаган бирикмалар синтезининг физик-кимёвий асослари таҳлилларининг қиёсий таърифи берилган, ҳамда нефт эмульсияларини бузиш учун этаноламин, одорант ва деэмульгаторларни ўрганиш бўйича илмий ишларни таҳлил қилиш амалга оширилган.

Диссертациянинг «Деэмульгаторлар, этаноламинлар ва одорантлар синтезини ўрганиш тадқиқ этиш» деб номланган иккинчи бобида, этаноламинлар, деэмульгаторлар ва одорантлар синтезини ўрганиш натижалари келтирилган.

ДЭ-2 синтези учун гидролизланган полиакрилонитрил ишлатилган. Анъанавий гидролизланган полиакрилонитридан фарқли ўларок, полиакрилонитрил -COONa гуруҳлари шакллантирилгунга қадар бутунлай гидролизланган, аммо олинган таркибда - CONH₂ мавжуд. Кейинчалик, олинган гидролизланган полиакрилонитрил хлорид кислота билан рН 8-9 га қадар нейтрализация қилинди. Бунда этилен оксиди билан енгил шароитларда осон реакцияга киришувчи COOH гуруҳлари шаклланади.

ДЭ-2 ни олиш жараёнида ҳарорат алоҳида ўрин тутади. Қуйидаги расмда ДЭ-2 чиқиш унумининг реакция ҳароратига боғлиқлиги кўрсатилган. Дастлабки маҳсулотларнинг учта нисбати танланган.



*Гидролизланган полиакрилонитрил ва этилен оксидининг мол нисбати;
1-1:8; 2-1:5; 3-1:2.*


1-расм. ДЭ-2 чиқиш унумининг ҳароратга боғлиқлиги.

1-расмда кўрсатилганидек, ДЭ-2 олинганда компонентларнинг оптимал нисбати 1:8 га тенг, ҳарорат эса 80°C ни ташкил қилади. Реакторда ҳарорат ортиши билан босим ҳам ошади. Босимнинг кўтарилиши нафақат ҳароратга, балки этилен оксид миқдорига ҳам боғлиқ. Бундай шароитларда ДЭ-2 ҳосил бўлиш унуми 14,4 % ни ташкил қилади. Энг юқори қуруқ қолдиқ дастлабки маҳсулотларнинг нисбати 1:2 бўлганида чиқади. Аммо олинган ДЭ-2 нинг деэмульгаторлаш таъсири паст бўлади. Шу асосда ДЭ-2 олиш учун оптимал ҳарорат сифатида 80°C танланди.

Кимёвий маҳсулотларни ишлаб чиқаришда реакция вақти ҳам муҳим рол ўйнайди. Бу вазият учун ҳам дастлабки маҳсулотларнинг тўртта нисбати танланган. Қуйидаги расмда ДЭ-2 маҳсулотининг 80°C ҳароратда чиқиши реакция вақтига боғлиқлиги кўрсатилган.

2-расмда кўрсатилгандек, ДЭ-2 нинг 14,4 % ҳосил бўлиши, реакцияни 5 соат давомида оптимал шароитда амалга ошириш натижасида чиқади. Бундай шароитда реакциянинг давом этиши реакция унумининг пасайишига олиб келади. Бу олигомер деэмульгаторларнинг эмульсияни парчалаш таъсири камайишига олиб келадиган параллель реакцияларнинг (ўзаро боғланиш, ажралиш, интермолекуляр таъсир ўтказиш ва бошқалар) кучайиши билан боғлиқ.

Шундай қилиб, ДЭ-2 олиш учун оптимал шароит бу реакцияни дастлабки маҳсулотларнинг 1:8 нисбатида 5 соат давомида 80°C ҳароратда ўтказишдир. Ушбу шароитларда олинган маҳсулот жуда яхши эмульсияни парчалаш таъсирига эга. ДЭ-2 нинг нефт эмульсияси хусусиятларига таъсири бўйича кейинги тадқиқотлар юқорида кўрсатилган шароитларда олинган маҳсулот томонидан амалга оширилади.




*Гидролизланган полиакрилонитрил ва этилен оксиднинг нисбати;
1-1:8; 2-1:5; 3-1:2.*

2-расм. ДЭ-2 чиқишининг вақтга боғлиқлиги.


Адабиётлардан маълумки, ДЭ-2 нинг кимёвий таркибида (-COONa ва -COOH) иккита функционал гуруҳлари мавжуд. 3-расмда ҳосил бўлган гидролизланган полиакрилонитрил таркибида мавжуд функционал гуруҳларнинг ютилиш чизиқлари берилган.

3-расмнинг ИҚ спектрида ҳам кўришиб турганидек, 1550-1610 см⁻¹ соҳада намоён бўладиган ютилиш чизиқлар -COONa функционал гуруҳларининг ассиметрик валент тебранишларига хосдир. -COONa функционал гуруҳида - 1400 см⁻¹ ҳудудида симметрик валентли тебранишлар учун хос ютилиш чизиқларга эга. Бундан ташқари, 3000-3200 см⁻¹ соҳада

намоён бўлган сингдирувчи чизиклар хомашё таркибида CONH_2 функционал гуруҳлар мавжудлигини кўрсатади. 3-расмдаги ИҚ спектрини ҳисобга олган ҳолда, хом-ашё таркибида асосан қуйидаги функционал гуруҳлар мавжуд десак бўлади.



3-расмда кўриниб тургандек $1550\text{-}1610\text{ см}^{-1}$ ҳудудида ўзларини намоён қилувчи ютилиш чизиклар COONa функционал гуруҳларининг ассимметрик валентли тебранишга хосдир. Ушбу функционал гуруҳлар этилен оксиди билан реакцияга киришмайди.





3-расм. Олинган ДЭ-2 нинг ИҚ спектри


$1300\text{-}1200$ ва 1413 см^{-1} ҳудудидаги ютилиш чизиклар COOH функционал гуруҳларига хосдир. Ушбу функционал гуруҳлар этилен оксиди билан реакцияга киришсада бу реакция охиригача бормайди. 1243 см^{-1} гача бўлган ҳудуддаги ютилиш чизиклар гуруҳлар COOH функционал гуруҳларнинг этилен оксиди билан ўзаро таъсири натижасида ҳосил бўлган муракаб эфир гуруҳларига хосдир. $1150\text{-}1070\text{ см}^{-1}$ ҳудудидаги сингдирувчи чизиклар иккита этилен оксиди молекуласи ўзаро ҳосил қилган оддий эфир кимёвий боғларига хосдир.

Этилхлорид KSH нинг спиртли эритмасидан ўтказилади, бу жараён қуйидаги усулда амалга оширилади: водород сулфиди музли сув билан совутилган калий гидроксиднинг спиртли эритмасига тўйингунга қадар юттирилади. Бир суткадан сўнг эритма оғир металлларнинг чўкинди сульфидларидан филтрланади. 36 г KSH учун 33 г этилхлорид (50 мл спиртдан) олиш керак. Реакция аралашмаси, беш карра кўп ҳажмдаги сув

билан суюлтирилади, олинган этилмеркаптан ажратиш воронкаси билан ажратилади, сувсиз CaCl_2 устида қуритилади ва дистиллинади, натижада 71-74°C да қайнайдиган фракция йиғилади.



Олинган этилмеркаптаннинг чиқиш унумига ҳарорат, вақт ва таркибий қисмларнинг нисбати, шунингдек, катализатордан фойдаланиш таъсир қилади. Этилмеркаптани олиш учун оптимал шароитлар аниқланди. Меркаптаннинг энг юқори унумда чиқиши калий гидросульфиди ва этилхлорид компонентларнинг 1:1 нисбатида 24 соат ичида 22°C ҳароратда (4-расм) кузатилади.




1). 1: 1 2). 2: 1. 3). 1: 2.

4-расм. Этилмеркаптаннинг унуми бошланғич моддалар нисбати ва вақтига боғлиқлиги, ҳарорат 22 °C

24 соат давомида 22°C да этилмеркаптаннинг синтези турли катализаторлар билан амалга оширилди. Реакция натижалари ўрганилди. Реакция самарадорлиги катализатор сифатида ион суяқлиги ишлатилганда энг юқори бўлган (5-расм).


Пропил хлорид NaSH нинг спиртдаги эритмасидан ўтказилиб қуйидаги усул билан олинади: водород сулфиди музли сув билан совутилган калий гидроксидининг спиртли эритмасига тўйингунга қадар юборилади.




1- Ион суюқлиги; 2- алюминий оксиди; 3- рух оксиди.

5-расм. Катализаторнинг 22 °С да реакция унумига таъсири

Бир суткадан сўнг эритма оғир металлларнинг чўкинди сульфидларидан филтрланади. 36 г NaSH учун 33 г пропил хлорид олинади. Реакция аралашмаси беш маротабага сув билан суюлтирилади, олинган пропилмеркаптан ажратиш воронкаси билан ажратилади, сувсиз CaCl₂ устида қуритилади ва ҳайдаш йўли билан фракция йиғиб олинади.




Пропилмеркаптаннинг чиқишига ҳарорат, вақт ва компонентларнинг нисбати, шунингдек, катализатор таъсир кўрсатади. Пропилмеркаптан ишлаб чиқариш учун оптимал шароитлар аниқланди.



1). 1: 1. 2). 2:1. 3). 1:2.

6-расм. Пропилмеркаптаннинг ҳосил бўлишининг бошланғич маҳсулотлар нисбатига ва вақтга боғлиқлиги, 45 °С ҳароратида

Меркаптаннинг энг юқори чиқиши калий гидросульфиди ва хлорли этил компонентларнинг 1:1 нисбатида 2,5 соат ичида 22°C ҳароратида (6-расм) содир бўлади.





1- Ион суюқлиги; 2 - Алюминий оксиди; 3 - Рух оксиди.

7-расм. Катализаторнинг 45 °C да реакция самарадорлигига таъсири

Пропилмеркаптаннинг синтези 45°C ҳароратида 2,5 соат давомида турли катализаторлар билан амалга оширилди. Реакция натижалари ўрганилди. Катализатор сифатида ион суюқлиги ишлатилганида реакция унуми самараси юқори бўлиши аниқланди. (7-расм).

Моддаларни аниқлашнинг энг аниқ усулларида бири бу масс-спектрометрия. Масс-спектр дискретликка эга, чунки ҳар қандай молекуланинг массаси унинг барча атомлари массаларининг йиғиндисидир. Масс-спектрида таҳлил пайтида ионланишнинг ўзига хос хусусияти, модданинг табиати ва баъзи иккиламчи жараёнлар таъсир қилиши мумкин: масалан, эластик бўлмаган тарқалиш ва метастабил ионлар.







1. *Этилмеркаптан масс-спектори (базадаги маълумот <https://sdfs.db.aist.go.jp>); 2. Олинган этилмеркаптан масс-спектори*

8-расм. Масс-спекторини ўрганиш натижалари

Ионлаштирилганда кичик молекулалар одатда битта салбий ва битта мусбат зарядга эга бўлади. Олинган меркаптанлар масс-спектрометрия ёрдамида ўрганилди.

26-29, 34, 44-47, 58 ва 62 а.е.м. каби этил меркаптаннинг масс - спектрларида (8-расм) бир нечта юқори кўрсаткичларини кўриш мумкин. Юқорида этилмеркаптаннинг спектри таҳлили келтирилган бўлиб, унинг юқори кўрсаткичи 62 м.а.б. тенг - молекуляр ион ҳисобланиб, қолган чўққилар массаси 29 м.а.б. - бу асосий ион $\text{H}_3\text{C}-\text{CH}_2, \text{SH}$ гуруҳининг асосий молекуладан ажралиши натижасида ҳосил бўлган, 47 массадаги чўққиси бу H_3C гуруҳини асосий иондан ажратиш пайтида ҳосил бўлган бўлиб, бу гуруҳ 15 м.а.б. чўққисида пайдо бўлади. Молекуляр ионга тегишли бўлган 62 м.а.б. чўққиси жуда кучли ҳисобланади. Буни этилмеркаптан молекуласининг ионланиш имконияти билан изоҳлаш мумкин. Олинган маълумотлар Япония фундаментал технологиялар университетининг базаси билан таққосланганда, олинган масса спектрлари асосланган масс-спектрлари билан деярли бир хил эканлиги аниқланди.






1. *Пропилмеркаптан масс-спектори (базадаги маълумот <https://sdfs.db.aist.go.jp>); 2. Олинган пропилмеркаптан масс-спектори*

9- расм. Масс-спекторни ўрганиш натижалари

Пропилмеркаптанинг масс-спектр (9-расм) юқори чўққиларини 13, 16, 27, 38-45, 47, 58, 61 ва 76 каби кўриш мумкин. Юқорида пропилмеркаптанинг спектр таҳлили келтирилган бўлиб, унинг юқори кўрсаткичи 76 а.е.м. тенг бўлиб – молекуляр ион ҳисобланиб, қолган чўққилари масса кўрсаткичлари 43 м.а.б. – бу асосий ион $\text{H}_3\text{C}-\text{CH}_2-\text{CH}_2$, SH гуруҳининг асосий молекуладан ажралиши натижасида ҳосил бўлган, 45 массадаги чўққиси бу H_3C гуруҳини асосий иондан ажратиш пайтида ҳосил бўлган бўлиб, бу гуруҳ 16 а.е.м. чўққисида пайдо бўлиб, $\text{C}=\text{O}$ қисми эҳтимоллик билан 28 а.е.м., 29 а.е.м.да эса молекуланинг $\text{O}=\text{C}-\text{OH}$ тўғри келади. Молекуляр ионга тегишли бўлган 76 м.а.б. чўққиси жуда кучли ҳисобланади. Буни пропилмеркаптан молекуласини ионланиш имконияти билан изоҳлаш мумкин.

Этаноламинларни этиленхлоргидридан олишни ўрганиш. Этиленхлоридгидрин ва аммиак эритмалари манометр ва электр иситгич билан жихозланган реакторга жойлаштирилади. Реактор қопқоғи махсус қистирма билан маҳкам ёпилган. Шундан сўнг реакторни 90°C ҳароратгача қиздирилиб, босим 6-7 атм кўтарилади. 1 соатдан кейин босим пасайишни бошлайди, бу вақтда ҳарорат 100°C га етказилади ва шу ҳолатда 2 соат сақланади. Олинган реакция аралашмаси жўнатилади. Этиленхлоргидридин ва аммиакнинг нисбати маълумотларига кўра, 1:2 дан 1:20 гача ўзгаради. Бунда этаноламин таркибли ўз ичига олган маҳсулотларни ишлаб чиқаради. Шунга асосан, керакли этаноламинларни олиш учун керакли нисбат танланади.

10-расмда этаноламинларнинг ҳосил бўлишининг ҳароратга боғлиқлиги этиленхлоргидридин ва аммиак нисбатига боғлиқлиги кўрсатилган: 1-1:10; 2- 1:5; 3- 1:2




Этиленхлоргидридин ва аммиак нисбати 1-1:10; 2- 1:5; 3- 1:2.

10- расм. Этаноламинлар ҳосил бўлишининг этиленхлоргидрин ва аммиак нисбати ҳароратга боғлиқлиги.

10-расмда кўриниб турибдики, этиленхлоргидридан этаноламинларнинг ҳосил бўлиши учун оптимал ҳарорат 90⁰ С ни ташкил қилади. Ҳароратнинг кейинги кўтарилиши этаноламинлар ҳосил бўлишини пасайишига олиб келади.

Этиленхлоргидридан этаноламинлар ҳосил бўлишида ҳарорат муҳим параметрлардан бири ҳисобланади. 11 расмда 90⁰С ҳароратда этиленхлоргидрин ва аммиак нисбати этаноламинлар ҳосил бўлишини вақтга ҳам боғлиқлиги кўрсатилган: 1-1:10; 2- 1:5; 3- 1:2.



1-1:10; 2- 1:5; 3- 1:2.

11- расм. 90⁰С ҳароратда этаноламинлар ҳосил бўлишининг вақт ва этиленхлоргидрин - аммиак нисбатига боғлиқлиги.

11- расмда кўриниб турибдики, этаноламинларнинг юқори олиниш кўрсаткичи аммиак билан этиленхлоргидрин 1:10 нисбатида, 60 дақиқадан сўнг 90⁰С ҳароратда олинади.

90^oC ҳароратда 60 дақиқа давомида олинган маҳсулотлар таркибидаги этаноламинлар миқдори

Номланиши	Этиленхлоргидрин ва аммиак нисбати		
	1:2	1:5	1:10
	Олинган маҳсулотлар таркибидаги этаноламинлар миқдори,%		
Моноэтанолламин	40	40	60
Диэтанолламин	40	50	35
Триэтанолламин	20	10	5

Юқорида кўрсатилган расмларда этаноламинларнинг уч вакилидан иборат унуми кўрсатилган. Дастлабки компонентларнинг нисбатларини ўзгартириб, керакли этаноламинлар миқдорини ошириш мумкин. Агар керак бўлса, юқори даражадаги этаноламинлар хосил бўлишини ошириш учун этиленхлоргидринни этилен оксиди ёрдамида қайта оксиэтилланади.

1- жадвалдан кўриниб турибдики, триэтанолламин чиқиш нисбати барчасида пастдир. Этиленхлоргидрин ва аммиак 1:5 нисбатида диэтанолламин маҳсулоти чиқиши юқоридир. Этиленхлоргидрин ва аммиак 1:10 нисбатида моноэтанолламин чиқиши маҳсулдорлиги юқоридир. Диэтанолламин маҳсулдорлигини ошириш учун этиленхлоргидринни этилен оксиди билан оксиэтилланади.

«Деэмульгаторлар, этаноламинлар ва одорантлар эксплуатацион хусусиятлари таҳлили» деб номланган учинчи бобда олинган бирикмаларнинг асосий эксплуатацион хусусиятларини ўрганиш натижалари келтирилган.

Ўтказилган тажрибалар натижасида термохимёвий қайта ишлашнинг биринчи босқичида тайёрланган нефтнинг биринчи гуруҳига мос келадиган нефт олинди. Худди шу шароитларда такрорий термохимёвий қайта ишлашдан сўнг нефтни қайта ишлаш заводида қайта ишлашга тайёр нефт олинди.

“Тошли” конининг углеводород хомашёсини қазиб олиш, йиғиш, тайёрлаш ва ташиш майдончаларига жорий этиш учун мўлжалланган деэмульгаторлар лаборатория шароитида синовдан ўтказилди. Деэмульгаторлар жуда кўп турдаги, сув-нефт эмульсияларининг ҳар хил турларини бузиш учун лойиқ. Улар органик эритувчиларда эритилган сирт фаол моддаларга асосланган композицион таркиблардир.

Деэмульгатор таъсирининг самарадорлигини солиштириш.

Кўрсаткичлар	Нефт							
	Тайёрланган нефт “Ғарбий Тошли”		Ҳом нефт кони “Шар. Тошли”		Сув-нефт эмульсияси кони “Шим. Памук”		Тайёрланган нефт кони “Шим. Шўртан”	
Деэмульгатор	Кемеликс 3307X	Ишланган	Кемеликс 3307X	Ишланган	Кемеликс 3307X	Ишланган	Кемеликс 3307X	Ишланган
Ҳарорат, °С	80	80	80	80	60	60	80	80
Босим, атм	1	1	1	1	1	1	1	1
Чиқим нормаси, г/т	10	5	30	30	30	30	14	10
Сув қочириш даражаси, %	93	95,5	86	96	93,4	98	92	95
Суви қочирилган нефтда қолдиқ тузлар миқдори, мг/дм ³	<2	<2	67	51	39	20	<2	<2
Эмульсия бўлиш вақти, дақ	60	60	60	60	180	180	120	120

Синовдан ўтказилаётган деэмульгатор, этиленоксиди блок сополимерларига асосланган композицияли таркибдир ва қазиб чиқаришда нефт йиғиш ва тайёрлаш жараёнида нефт эмульсияларини сувсизлантириш ва тузсизлантириш учун мўлжалланган.

Углеводородлардан табиий газ учун одорант олиш газ саноатида коммунал-маиший ва саноат мақсадларда ишлатиладиган табиий ва суюлтирилган газни одорлаш учун ишлатилиши мумкин. Одорант олиш усули сувли ишқор эритмаси орқали углеводородлардан меркаптанлар ажратишни, олинган меркаптид ишқор эритмасини қайнатиш орқали меркаптан десорбциясини, буғ ва газ аралашмасини одорант чиқарувчи конденсация қилишни, уни кейинги қуриштиришни ва қуруқ одорантни икки босқичли ректификация орқали фракциялаш ва кейинги этилмеркаптан билан бойитилган одорант конденсациясини ўз ичига олади. Услубий прототип ёрдамида олинган одорант қуйидаги таркибдаги меркаптанларнинг аралашмаси бўлади, % масс.:

3-жадвал**Одорантлар таркиблари**

Компонент номи	1. Мисол нисбати	2. Мисол нисбати	3. Мисол нисбати
	мас.%	мас.%	мас.%
Метилмеркаптан	10	5	2
Этилмеркаптан	35	75	90
Пропилмеркаптан	25	10	4
Бутилмеркаптан	30	10	4
Жами:	100	100	100

Стандарт коммунал-маиший газ учун қўлланилади ва ҳиднинг интенсивлигини аниқлаш усулларини ўрнатади. Усулларнинг моҳияти камера хонада яратилган газ-ҳаво аралашмасининг ҳиди интенсивлигини баҳолашдан иборат.(4 жадвал.)

4-жадвал**Турли концентрациялардаги тавсия этилган ва маълум бўлган хидларнинг интенсивлиги балларда. ГОСТ 22387.5-77**

Одорант нома	Газда одорант концентрацияси, мг/м ³	Ҳид интенсивлиги балларда, дақ. Сўнг		
		0	1	2
Тавсия қилинган одорант Таркиби*				
- 1-мисолга мувофиқ	16	3,5	3,5	3,3
- 2-мисолга мувофиқ	16	3,7	3,3	3
- 3-мисолга мувофиқ	16	3,7	3	2,9

* - одорант таркиби 2-жадв. Қаранг

Табиий ёқилғи газларга сигнал ҳидини бериш учун фойдаланилган одорантларни газ саноати учун ишлатиш мумкин.

5-жадвал**Одорантлар такиблари**

Компонент номи	1. Мисол нисбати	2. Мисол нисбати	3. Мисол нисбати
	мас.%	мас.%	мас.%
Этилмеркаптан	25	35	20
Бутилмеркаптан	35	25	20
Этилакрилат	30	20	35
Метилакрилат	10	20	25
Жами:	100	100	100

Табиий газ учун одорант таркибига этилакрилат, метилакрилат, метилпиперазин, таркибида азот мавжуд бирикма сифатида эса пиридин компонентларнинг қуйидаги нисбати билан киради, мас. %:

Ҳиднинг интенсивлигини аниқлаш усули. Стандарт коммунал-маиший газ учун қўлланилади ва ҳиднинг интенсивлигини аниқлаш усуллари ўрнатади. Усулларнинг моҳияти камера хонада яратилган газ-ҳаво аралашмасининг ҳиди интенсивлигини баҳолашдан иборат. 6-жадвал.

Табиий ёқилғи газларга сигнал ҳидини бериш учун фойдаланилган одорантларни газ саноати учун ишлатиш мумкин. Табиий газ учун одорант таркибига этилакрилат, метилакрилат, метилпиперазин, таркибида азот мавжуд бирикма сифатида эса пиридин компонентларнинг қуйидаги нисбати билан киради, мас. %:

6-жадвал

Турли концентрациялардаги тавсия этилган ва маълум бўлган хидларнинг интенсивлиги балларда. ГОСТ 22387.5-77

Одорант нома	Газда одорант концентрацияси, мг/м ³	Ҳид интенсивлиги балларда, дақ. Сўнг		
		0	1	2
Тавсия қилинган одорант Таркиби*				
- 1-мисолга мувофиқ	16	3,3	3,3	3
- 2-мисолга мувофиқ	16	3,5	3	3
- 3-мисолга мувофиқ	16	3	3	2,8

* - одорант таркиби 4-жадв. Қаранг

Ҳиднинг интенсивлигини аниқлаш усули. Стандарт коммунал-маиший газ учун қўлланилади ва ҳиднинг интенсивлигини аниқлаш усуллари ўрнатади. Усулларнинг моҳияти камера хонада яратилган газ-ҳаво аралашмасининг ҳиди интенсивлигини баҳолашдан иборат.

7-жадвал

Одорантлар таркиблари


Компонентларнинг номланиши	1. Намуна нисбат	2. Намуна нисбат	3. Намуна Нисбат
	мас. %	мас. %	мас. %
Тиомочевина	4	5	5
Метилакрилат	35	45	50
Этилакрилат	50	40	40
Пиридин	11	10	5
Жами:	100	100	100

Турли концентрациялардаги тавсия этилган ва маълум бўлган хидларнинг интенсивлиги балларда. ГОСТ 22387.5-77

Одорант нома	Газда одорант концентрацияси, мг/м ³	Ҳид интенсивлиги балларда, дақ. Сўнг		
		0	1	2
Тавсия қилинган одорант таркиби*				
- 1-мисолга мувофиқ	16	3	3	2,8
- 2-мисолга мувофиқ	16	3	2,9	2,8
- 3-мисолга мувофиқ	16	3	2,8	2,5

** - одорант таркиби 6-жадв. Қаранг

Метиламин синтези. 50 г аммоний хлорид ва 100 г формалдегиднинг 40% сувли эритмаси, уч қисми суюқликка ботирилган термометр билан жиҳозланган дистиллаш колбасида аста-секин иситилади. Ҳарорат аста-секин 104 ° С га кўтарилади ва барча учувчан суюқлик ҳайдаб чиқарилгунча шу даражада сақланиб қолади, бу тахминан 4,5 соат давом этади. Колбадаги таркиб совутилади, аммоний хлориддан филтрланади. Аммоний хлоридни олиб ташлаш метиламин гидрохлориднинг концентрланган эритмасида жуда ёмон эрувчанлиги туфайли тўлиқ амалга оширилиши мумкин. Суюқлик иссиқ ҳолатда юзада кристалли плёнка ҳосил бўлгунча буғлатилади. Соф метиламин гидрохлориди совутилгандан кейин филтрланади. Унумдорлик тахминан 76% ни ташкил қилади. Метиламин газини метиламин гидрохлоридни натрий гидроксид билан реакцияси орқали тайёрлаш мумкин.




1-Метилдиэтанолламин; 2-метилмоноэтанолламин.

12- расм. Аралаштирувчи реактор таркибидаги этаноламинлар таркибининг метиламин ва этилен оксиди нисбатидан метилмоноэтанолламинни қайта ишлашнинг 70⁰С ҳароратда бўлмаганлигидан ҳисобланган боғлиқлиги.

Ҳозирги ишлаб чиқариш шароити ҳамда бозор иқтисодиётидан келиб чиққан ҳолда моноэтанолламинни қайта ишлаш даражаси 2 кг/кг тўғри келади. Метилмоноэтанолламинни шундай қайта ишланишда метилдиэтанолламиннинг таркибий оғирлиги тахминан 43 % ни ташкил этади.

Қайта ишланган метилмоноэтанолламинни тақсимлаш йўли билан метилдиэтанолламинни улушини ошириш мумкин.



1- Метилмоноэтанолламин; 2- Метилдиэтанолламин.

14-расм. ММЭ_{реци.}/ОЭ= 21 ва 70 °С ҳароратдаги метиламин ва этилен оксидининг нисбатидан аралаштириш реакторидаги этаноламинлар таркиби боғлиқлиги.

14-расмда реактордаги этаноламиннинг таркиби метиламин ва этиленоксидининг нисбатлари ММЭ_{реци.}/ОЭ= 21 кўрсатилган.

14- расмдан кўриниб турибдики, метилмоноэтанолламин миқдорининг кўпайиши метилдиэтанолламин миқдорининг кўпайишига олиб келмайди.


МДЭА таркибида юқори бўлган аралашмани олиш учун ММЭА аралаштириш ва сиқиб чиқариш реакторларга қайта киритилади.

Диссертациянинг «Дезмульгаторлар, этаноламинлар ва одорантлар ишлаб чиқариш технологияси ва уларни техник-иқтисодий асослаш, яшил технологиялар сифатидаги экологик нуқтаи назар» деб номланган тўртинчи бобида ишлаб чиқариш технологияси берилган ва ТКТТИТИ МЧЖ да дезмульгаторлар ишлаб чиқариш технологик жараёни ишлаб чиқилган.

Дезмульгаторни тавсия этилган усули билан олиш учун аввал полиакрилонитрил ва 30% натрий гидроксидининг сувли эритмаси 2-реакторга юборилади. 8 соат давомида 100°С ҳарорат ва атмосфера босимида гидролизланган полиакрилонитрил чиқади. 2-реактордан олинган полиакрилонитрил 4-реакторга киради.

4-реакторда тоза акрил кислотаси хлорид кислотаси билан чўктирилади. 4-реактордан олинган акрил кислотаси 6-реакторга киради. 6-

реакторда реакция аралашмасига сувли эритмасини ёки суяқ этиленоксиди қуямиз ва реакция аралашмасининг жами массасининг 1-2% миқдорида катализаторни қўшамиз.



1- натрий гидроксиди бункери; 2- гидролизланган полиакрилонитрил олиш реактори; 3- хлорид кислотаси бункери; 4- чўқтиргич; 5- катализатор бункери; 6-деэмульгатор олиш реактори; 7 – чумоли ёки сирка кислотаси бункери; 8- катализаторларни фаолсизлантириш идиши.

15-расм. Деэмульгатор олишнинг технологик схемаси.

Кейин автоклав қопқоғини маҳкам ёпиб, 80°C га қадар қиздирилади. Босим 6 дан 8 кг/см² га кўтарилади. Реакция аралашмаси шу ҳароратда 5 соат сақланади. Шундан сўнг реакция аралашмаси 8-реакторга киради. Бу ерда катализаторлар чумоли ёки сирка кислота билан фаолсизлантирилади.

9-жадвал

Материаллар баланси (1 т деэмульгатор)

КИРИМ, кг	% масс	ЧИҚИМ, кг	% масс
1. ГИПАН, 1200	43	1. 40 % деэмульгатор сув эритмаси - 0.2%-1000	36
2. Хлорид кислотаси 300	11	2. Буғланди 1600	58
3. Этилен оксиди 1200	43	Йўқотишлар 170	6
4. Катализатор 50	2		
5. Фаолсизлантиргич 20	1		
Жами: 2770	100	Жами: 2770	100

Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг хусусиятлари. Ушбу ускунада ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот, гидролизланган полиакрилонитрил (ГИПАН) ва

этиленоксиди асосидаги дезмульгатор ҳисобланади.

Дезмульгатор қуйидаги талабларга мос равишда ишлаб чиқарилиши керак (10-жадвал).

10-жадвал

ДЭ-2 дезмульгаторнинг техник талаблари

Кўрсаткичлар номи	Эритма шаклидаги қўшимча учун кўрсаткичлар қийматлари	
	Меъёрсиз ҳаво аралашиши билан	Паст ҳаво аралашиши билан
	Ташқи кўриниш	Бир жинсли оқ суюқлик, чўкиндига рухсат бор
Зичлиги 20°C да, камида	1.09	
Сувнинг массали улуши, %	60.0	
Водород ионларининг фаоллиги кўрсаткичи (рН), 2,5% сувли эритмаси	7.0 ±1.0	
Қуруқ моддада хлор ионларининг масса улуши,	0.1	

ХУЛОСА

1. Этаноламин ишлаб чиқариш учун асосий хом ашё бўлган этилен оксидини ишлаб чиқаришда энг самарали катализатор сифатида кумуш карбонат асосида олинган катализатор эканлиги курсатиб берилди.

2. Этаноламинлар синтезининг босқичи ва фракцияларининг таркибини оптималлаштириш масалалари батафсил кўриб чиқилиб, ўзига хос хусусиятли маҳаллий хомашёлар асосида этаноламинлар ишлаб чиқариш учун экспериментал материаллар асосида этаноламинлар фракцияларининг таркибини тузатиш учун оптимал шароитлари ишлаб чиқаришга тавсия этилди.

3. Этаноламинларни этилен оксиди, этиленхлорогидрин ва аммиакдан синтез қилиш учун технология ишлаб чиқилди. Бу жараёндан сувни бутунлай йўқ қилиш имконини берди ва синтез 80°C дан ошмаган ҳароратда амалга ошириш имконини берди.

4. Ишлаб чиқариладиган МЭА, ДЭА, ТЭА маҳсулотларнинг нисбати билан ишлаб чиқариш мослашувчанлигини таъминлайдиган технологик жараёнлар тавсия этилди.

5. Этанолламин ишлаб чиқаришда оптимал шароитларни танлаш, аммиак ва моноэтанолламинни бошланғич ҳолатга қайтариш йўли билан ишлаб чиқариш усулига асосланди.

6. Амалдаги (Кемелих 3307X) ва тавсия қилинган деэмульгаторларнинг синовлари тўрт турдаги (Ғарбий тошли, Тошли, Шимолий Памук, Шимолий Шўртан) нефт қудуқларида амалга оширилди. Янги деэмульгатор қўлланилганда Ғарбий тошли ва Тошли қудуғи нефти сувсизланишининг даражаси 95,5 ва 96 фоизга, амалдаги деэмульгаторларда эса 93 ва 86 фоизга етиши аниқланди. Тошли нефтини тайёрлашнинг биринчи босқичида тавсия этилаётган ва мавжуд деэмульгаторлар учун сувсизланиш даражаси 98 ва 93,4% ташкил қилди, иккинчи босқичда эса 95 ва 93% га тўғри келади.

7. Ғарбий тошли ва тошли нефтини тайёрлаш жараёнида ишлаб чиқилган деэмульгаторнинг сарфланиш миқдори мавжуд деэмульгаторникидан 2-1,5 баробар камроқ эканлиги аниқланди ва сарфланиши 5 ва 10 г/тонна нефтни ташкил қилади. Янги деэмульгаторни қўллашда сув-нефт эмульсиясининг ажратиш даражаси анча юқорилиги кўрсатиб берилди.

8. Ишлаб чиқилган деэмульгатор ҳозирда ишлатилаётганларидан кўра самаралироқ эканлиги кўрсатилган. Янги деэмульгаторнинг синов-саноат намуналари ТКТИТИ да мавжуд технологик схема асосида ишлаб чиқаришга тавсия этилди.

9. Маҳаллий хом ашёдан янги кўп компонентли одорантнинг яхшиланган хусусиятлари билан ишлаб чиқариш технологияси таклиф қилинган бўлиб, уни Тошкент Магистрал Газқувурлар бошқармасида амалиётга тадбиқ қилиш тавсия этилади.

10. Янги кўп компонентли одорантни ишлаб чиқариш учун тавсия этилган ечимларнинг техник-иқтисодий таъсири одорантнинг солиштирма сарфи пасайиши орқали таъминланади.

**РАЗОВЫЙ УЧЕНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ УЧЕНОГО СОВЕТА ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ DSc.16/30.12.2019.Т.87.01 ПРИ
ТАШКЕНТСКОМ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ ХИМИЧЕСКОЙ ТЕХНОЛОГИИ**

**ТАШКЕНТСКИЙ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ
ИНСТИТУТ ХИМИЧЕСКОЙ ТЕХНОЛОГИИ**

ЭШМУРАТОВ БАХОДИР БЕШИМОВИЧ

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ПРОИЗВОДСТВА
ВЫСОКОЭФФЕКТИВНЫХ ДЕЭМУЛЬГАТОРОВ, ОДОРАНТОВ И
ЭТАНОЛАМИНОВ НА ОСНОВЕ МЕСТНЫХ СЫРЬЕВЫХ РЕСУРСОВ**

**02.00.14–Технология органических веществ и
материалы на их основе
02.00.03 – «Органическая химия»**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ТЕХНИЧЕСКИХ НАУК (DSc)**

Ташкент-2020 год

Тема докторской диссертации зарегистрирована под номером B2020.2.DSc/T205 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Докторская диссертация выполнена в Ташкентском научно-исследовательском институте химических технологий.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.tktiti.uz и информационно-образовательном портале Ziyonet по адресу www.ziyonet.uz

Научный консультант: Джалилов Абдулахат Турапович
доктор химических наук, профессор, академик

Каримов Масъуд Убайдулла ўгли
доктор технических наук, старший научный сотрудник

Официальные оппоненты: Ёдгоров Нормухаммад
доктор химических наук

Акбаров Хамдам Икромович
доктор химических наук, профессор

Фозилов Садриддин Файзуллаевич
доктор технических наук, профессор


Ведущая организация: Институт общей и неорганической химии АН РУз


Защита диссертации состоится «17» 11 2020 г. в «10⁰⁰» часов на заседании Разового ученого совета на основе ученого совета DSc16/30.12.2019.T.87.01 при Ташкентском научно-исследовательском институте химической технологии по адресу: 111116, Ташкентская область, Ташкентский район, пос. Ибрат Тел.: (99870) 965-77-16; факс: (99870) 965-77-16; e-mail: gup_tniixt@mail.ru


Докторская диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского научно-исследовательского института химикой технологии за № 5, с которой можно ознакомиться в ИРЦ (111116, Ташкентская область, Ташкентский район, пос. Ибрат Тел.: (99870) 965-77-16).

Автореферат диссертации разослан «4» 11 2020 года.
(протокол рассылки № 5 от «4» 11 2020 г.).




А.С. Махсумова
Председатель разового Научного совета по присуждению учёных степеней, д.х.н., профессор


Ш.Д. Ширинов
Ученый секретарь разового Научного совета по присуждению учёных степеней, техн. наук, PhD


Х.С. Бекназаров
Председатель научного семинара при разовом Научном совете по присуждению учёной степени, д.т.н., старший научный сотрудник

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Создание новых эффективных присадок, обеспечивающих безопасную транспортировку природного газа, компонентов десульфурации и отделения нефти от грунтовых вод в нефтеперерабатывающей промышленности, в производстве различных органических присадок, используемых для дальнейшего повышения качества нефтепродуктов, является одной из важных задач мировой нефтегазовой отрасли.

Сегодня в мире необходимо создать научную основу для производства новых эффективных органических добавок для нефтегазоперерабатывающей промышленности на основе соединений азота, кислорода и серы, изучить их сырье, создать современные технологии и машины для их извлечения, расширить их применение, синтезировать универсальные добавки. Необходимо разработать новые виды деэмульгаторов, этаноламинов, одорантов и разработать технологии их производства.

В Республике достигаются определенные научные и практические результаты по производству деэмульгаторов, этаноламинов и одорантов на основе местного сырья, а также по созданию многокомпонентных и функциональных одорантов. На основе принятых в этом направлении нормативных мер достигнуты определенные результаты, в частности, принимаются масштабные меры по разработке научных основ получения многокомпонентных одорантов и обеспечения местного рынка импортозамещающей продукцией. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены важные задачи, направленные на «Освоение производства совершенно новых видов продукции и технологий, на этой основе обеспечить производство конкурентоспособной отечественной продукции на внешнем и внутреннем рынках». Они играют важную роль в замене дефицитных компонентов местным сырьем - многотоннажными побочными продуктами химической промышленности.

Указ Президента Республики Узбекистан № ПФ-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановление Президента Республика Узбекистана № ПП-3479 от 17 января 2018 года «О мерах по стабильному обеспечению отраслей экономики страны востребованными видами продукции и сырья», Постановления Президента Республика Узбекистана № ПП-3983 от 25 октября 2018 года «О мерах по ускоренному развитию химической промышленности в Республике Узбекистан» и Постановления Президента Республика Узбекистана № ПП-4265 от 3 апреля 2019 года «О мерах по дальнейшему реформированию и повышению инвестиционной привлекательности химической промышленности», а также в некоторой степени при выполнении задач, изложенных в других нормативных актах, связанных с этой деятельностью.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование

выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики VII «Химическая технология и нанотехнология».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации.

Исследования, направленные на получение и применение органических соединений, таких как деэмульгаторы, этаноламины и одоранты, проводились в ведущих исследовательских центрах и университетах по всему миру, в том числе в таких университетах как University of Cincinnati, California Institute of technology (США), Chicago university, Colorado school of mines, Shell Global solution Inc. (США), Darmstadt Technical University, Fraunhofer Photocatalysis Alliance (Германия), Japan Petroleum Institute, Tokyo national university (Япония), Royal Military College of Canada (Канада), French Petroleum Institute (Франция), Institute of new Catalytic Materials Science (Хитой), Universit yof Torino (Италия), Нижний Новгород государственный технический университет (Россия), ГОУ ВПО Уральский государственный технический университет - УПИ (Россия), Татарский научно-исследовательский и проектный институт нефти (Россия), Российский институт нефти и газа (Россия), Российский государственный университет нефти и газа (Россия), Ташкентский химико-технологический институт (Узбекистан).

В результате проводимых во всем мире исследований по ускорению процесса глубокой очистки нефти и газа от вспомогательных присадок и совершенствованию нефтеперерабатывающего оборудования был получен ряд научных результатов: разработана конструкция гидроциклона с различными зонами разделения (США, Massachusetts Institute of Technology); изменили свои реологические свойства за счет плавления суспензии и за счет изменения давления во входном патрубке (Россия, нефтегазовый университет имени Губкина); разработана математическая модель водомасляной эмульсии (Китай, China University Of Petroleum); разработано устройство для (США, Columbia University) стабилизации газожидкостных эмульсий под высоким давлением.

В мире ведутся исследования по проблеме вспомогательных добавок и водоочистки нефти и газа по ряду приоритетных направлений, в том числе: создание эффективных органических добавок для переработки углеводородов, совершенствование существующих технологий переработки сырья, получение новых видов многокомпонентных одорантов природного газа.

